



ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

ADOLAT

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№40
(692)
2008 йил,
12 сентябрь, жума

Ўзбекистон — Озарбойжон: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Боку, 11 сентябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 сентябрь куни расмий ташриф билан Озарбойжон Республикасига келди.

«Зағульба» қароргоҳида олий мартаба-ли меҳмонни расмий кутиб олиш мароси-ми бўлди. Давлатимиз раҳбари шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев шохсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат маҳияли ян-гради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Ислам Каримов ва Илҳом Алиевнинг я-кама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Ислам Каримов халқларимизнинг азалий дўстлиги, урф-одатлари ва маданияти яқин-лиги, қадриятлари умумий эканлиги, тили ва дини бирлиги ўзаро ҳамкорлиқни ҳар томон-лама ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилиши таъкидлади. Ушбу ташриф асно-сида Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатла-рини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қи-ладиган ўзаро манфаатли кўплаб келишувларга эришилишига ишонч билдирди.

Илҳом Алиев Ўзбекистон раҳбарини Бо-куда кутлашдан мамнуният билдириб, бу-гунги музокаралар 2004 йилда Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувнинг мантқий давоми эканини, Озарбойжон то-мони ушбу ташрифга муҳим аҳамият бе-ришини таъкидлади.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи, томонларни қизиқти-рган қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Муҳокама этил-ган масалалар юзасидан томонларнинг нуқ-тан назари ўхшаши ва яқин эканлиги қайд этилди. Икки томонлама ҳамкорлиқни ри-вожлантириш борасида Ўзбекистон ва Озар-бойжоннинг мақсад ва интилишлари муш-тарак, сиёсий масалаларда эса мамлакатла-римиз кўп жиҳатдан ҳамфикр ва ҳамкордир.

Президентлар хавфсизлик муаммолари-га алоҳида эътибор қаратдилар. Халқаро тер-роризм ва экстремизм, наркотрафик, уш-ган транзитлиқ жиноятчилик каби иллат-ларга қарши ҳамкорликда курашишга оид масалаларни аффилиқ муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Озарбойжон Президен-тлари иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тар-кибдаги музокараси бўлиб ўтди. Унда сав-до-иқтисодий, сармоявий, илмий-техника-

вий, гуманитар соҳаларда Ўзбекистон-Озар-бойжон ҳамкорлигига доир қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокараларда таъкидланганидек, иқти-содий ҳамкорлик кўрсаткичларини икки мамлакатнинг имконият ва салоҳияти дара-жасида, деб бўлмайди. 2007 йил якунла-рига кўра, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 60,4 миллион АҚШ долларини ташкил эт-ган. Ўзбекистонда Озарбойжонлик шерик-лар билан тузилган 21 қўшма корхона фа-олият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбойжон ишбилармон доираларининг бевоқиф алоқаларини ри-вожлантириш, сармоявий ҳамкорлик кўла-мини кенгайтириш орқали савдо-иқтисо-дий алоқалар кўламини бундан бир неча хисса орттириш мумкин. Бунда Икки то-монлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Озарбойжон ҳукуматлараро қўшма комис-сиясининг фаоллигини ошириш, икки мам-лакатда бизнес-форумлар, Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг иқтисодий салоҳиятига доир тақдиротлар, кўргазма ва бошқа тад-бирлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Хус-сан, ишга солинмаётган ва янги имконият-ларни топиш, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш, икки томонлама манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш мумкин. Иқтисо-дий форумлар эса янги шартномалар ту-зиш баробарида бизнес доиралари учун икки мамлакатнинг имкониятлари ҳақида янги маълумотлар беришга хизмат қилади.

Айни пайтда банк-молия секторидagi ало-қаларни фаоллаштириш, икки мамлакатнинг экспорт-импорт товар ва хизматлари рўйхатини тубдан қайта қўриб чиқиш зарур. Бу ишби-лармонлар мулоқотини ривожлантиришнинг яна бир муҳим воситасидир.

Ўзбекистон Озарбойжонга машина ва ускуналар, озиқ-овқат, кимё саноати маҳ-сулотлари, рангли ва қора металллар, энер-гия манбалари ва хизматлари экспорт қи-лади. Озарбойжоннинг Ўзбекистонга экспорти ускуналар, кимё саноати маҳсулотлари, хизматлардан иборат. Лекин, таъкидлан-ганидек, бу чегара эмас. Масалан, Озар-бойжонни Ўзбекистоннинг самолётсозлик ва автомобилсозлик саноати қизиқтиради.


(Давоми 2-бетда).



Қашқадарё ви-лоятидаги «Нефт-газ қудуқлари-ни синаш» очик акциядорлик жамиятига қа-рашли «Қудуқ-ларни мустах-камлаш» цехи жамоаси Бухо-ро, Қашқадарё, Сурхондарё ви-лоятлари, Қо-рақалпоғистон Республикаси ва Фарғона во-дийси ҳудудла-рида бургула-наётган ҳамда таъмирланаёт-ган нефтгаз қу-дуқларига хиз-мат қилади.

БУРГУЛОВЧИЛАР

ишга унум бағишляпти, сифатга кафолат



Айни кунларда жамоанинг 156 на-фар ишчи-хизматчи ва мутахассисла-ри 86 та бургуланган ҳамда таъмир-ланган қудуқларда цементлаш — му-стахкамлаш ишларини олиб бормок-далар. Ишдаги сифат — қудуқларда

самарадорликни оширишга ва хавф-сизлик чораларини кафолатли таъ-минлашга катта имкон бермоқда.

Суратларда: «Феруза-6» пармалаш қудуғида мустахкамлаш ишлари жара-ёнидан лавҳа; мазкур қудуқ технологи

Хусан Расулов (ўртада), пармалаш ус-таси Ҳабибулла Мирзаев ва ҳайдовчи Шерзод Чориев навбатдаги иш сме-наси олдида.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 11 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистонда ахборот-коммуникация тех-нологияларини ривожлантиришнинг қонунчилик база-сини такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди.

Ахборот-коммуникация тех-нологиялари саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш каби за-монавий тармоқлар тараққиёт-ида, хизмат кўрсатиш, хавф-сизлигини таъминлаш, ижтимо-ий соҳалар, илм-фан ва тех-

никани ривожлантиришда му-ҳим ўрин тутди. Ҳозирги кун-да жамиятни юқори техноло-гияларсиз, компьютерларсиз, глобал тармоққа уланмасдан ва ахборот ресурсларидан фойдаланмасдан ривожланти-

риб бўлмайди. Улар ижтимо-ий ҳаётнинг ажралмас қисми ва мамлакат тараққиётининг мезонига айланди. Ушбу стратегик соҳанинг муҳимли-гидан келиб чиққан ҳолда, унинг норматив-ҳуқуқий ба-засини такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Шунинг билан, Олий Мажлис Қонунчилик палата-сининг навбатдаги мажлиси Ўзбекистонда ахборот-комму-

никация технологияларининг ҳозирги ҳолати ва уларни ри-вожлантириш истиқболлари масалаларига бағишланди. Мустақиллик йилларида мамлакат Президенти Ислам Каримов томонидан ахборот-коммуникация технологияла-рини ривожлантиришга ало-ҳида эътибор қаратилгани боис мазкур соҳа жадал ри-вожланмоқда. Бу эса ушбу со-ҳанинг мамлакат ялпи ички

маҳсулотидagi улушини кўпайтириш ва уни хорижий ҳамда мамлакатимиз инвес-торлари учун янада жозиба-дор қилиш имконини берди. Алоҳида ахборот техноло-гияларини ривожлантириш соҳа-сига жалб қилинган хорижий инвестициялар миқдори сўнгги беш йилда 593,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

Тошкентнинг 2200 йиллиги олдида

ДИПЛОМАТЛАР ТОШКЕНТ ҲАҚИДА

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Шарқнинг маърифат бе-шиги сифатида доврғ қозонган кўплаб қадимий ша-ҳарларимиз янги қиёфа касб этди. Қўшма кентла-римиз ободонлаштирилиб, улардаги меъморий ёдгор-ликлар таъмирланди, янги замонавий иншоотлар барпо этилди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахри-сабз, Қарши, Марғилон каби шаҳарларимизнинг қутлуг тўйлари халқаро миқёсда нишонланди. Давла-тимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилин-ган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонла-шга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан пойтахтимиз юбилейга тайёргар-лик ишлари қизғин давом этмоқда. Тошкент тарова-ти, мушташам иншоотлари, гузал табияти ва сўлим боғлари ҳар қандай кишини мафтун этади.

ЎЗА махбири мамлакатимизда фаолият юритаёт-ган дипломатик корпус вакиллариининг айримлари-нинг таассуротлари билан қизиқди.

Цутому ХИРАОКА, Япо-ниянинг Ўзбекистон Рес-публикасидаги Фавқуло-да ва мухтор элчиси:

— Ўзбек заминига илк бор қадам қўйганида Тошкент-нинг гузал табияти, ранг-бар-анг гулзорлари ва боғлари мени хайратга солган эди. Бу ердаги сўлим гушлар, за-монавий ва қадимий-миллий услубни ўзида муҷассам эт-ган кўркам иншоотлар, равои йўллар ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади. Мамла-катингизда шаҳар инфра-структураси янада такомил-лаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёд-корлик ва ободонлаштириш ишлари таҳсинга лойиқ.

Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига бағишлаб ўтказилаёт-ган кенг кўламли ободонлаш-тириш ва бунёдкорлик иш-лари бу қадимий шаҳарнинг янада гуллаб-яшнаши, унинг

фарқ қолдирмайди.

Она табиат юртингизга бе-назир гузаллик ва ажойиб иқлим инъом этган. Бу ерда тўрт фаслнинг ҳар бирини ўз вақтида, бутун зеб-зийнати ва хусусиятлари билан кўриш мумкин. Мен мамлакатингиз тоғларида кўп бўлганман. Таъкидлаш жоизки, Ўзбеки-стонда эъзи ва киши сайёҳ-лик, экотуризм, маърифий ва жисмоний савҳатлар жадал ривожланмоқда. Буларнинг барчаси сайёҳларнинг қи-зиқшини тобора ошираётир.

Ўзбекистон ислом дини, маданияти ва тафаккури чу-қур ўрганиладиган бағрикенг мамлакатдир. Юртингизда яшаб, ижод қилган Имом Бу-хорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улугбек каби улуг аллома-лар дунё илм-фани ва ис-лом маданияти ривожига ул-кан ҳисса қўшганлар. Тош-кент дуненинг ҳар томонлама ривож топган энг гузал ша-ҳарлардан биридир, дейиш-га барча асослар бор.

Одид Мухаммад Абду-расул Хасан ХАЁТ, Қувайт Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқу-лода ва мухтор элчиси:

— Тошкентнинг 2200 йил-лигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Пойтахтингизнинг қиёфаси табиб бўлмас даражада ўза-риб, кўркамлашиб бораётир. Айниқса, Мустақиллик май-донини ҳар қандай кишининг қалбини қувончга тўлдирди. Мазкур бетакрор гушадаги ям-яшил майдон, тилларанг ва оппоқ мўъжизавий бино-

лар кишида эъзу ҳиссий-лар уйғотди. Истиқлолин-гиз рамзи бўлиши ушбу му-аззам майдон пойтахтин-гиздаги энг серфайз мас-калардан биридир.

Тошкент — ҳар томонла-ма ривож топган гузал ша-ҳар. Халқингиз мустақил-ликка эришгач, мамлака-тингизда қисқа давр ичида улкан бунёдкорлик ишла-ри амалга оширилди. Неҳа асрлардан бунён ўз меъмо-рий обидалари, алломала-ри, хушмуомала ва меҳ-мондўст одамлари билан барчани хайратга солиб ке-лаётган ушбу шаҳар кела-жаҳда ҳам ана шундай жа-ҳоннинг энг йирик мада-нияти ва маърифат марказ-ларидан бири бўлиб қоли-шига қатъий ишонаман.

Сканд Ранджан ТАЙАЛ, Хиндистон Республика-сининг Ўзбекистон Рес-публикасидаги Фавқу-лода ва мухтор элчиси:

— Тошкентнинг 2200 йил-лик тўйига катта тарадуд қўрилаётганига гувоҳман. Пойтахтингиз кун сайин ўзағариб, қиёрийга-қиёрий кўшилиб, янада мафтункор шаҳарга айланиб бормоқда. Тошкент ям-яшил боғларга, унутилмас таассурот қолди-радиган улкан иншоотларга бой бўлган хушманзара яшил шаҳардир. Бу ерда амалга оширилаётган мис-сия бунёдкорлик ва ободо-нлаштириш ишлари Тошкент-ни янада гузаллаштиради.

ЎЗА мухбири Поляра МАИЗУРОВА ёзиб олди.

Фракция йиғилиши



ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўз-бекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбат-даги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар, партия Сийёсий Кенгаши аъзолари, тегишли таш-килотлар ва оммавий ахборот воситалари ва-киллари иштирок этди.

Дастлаб биринчи ўқиш-да тақдим этилаётган «Су-ғурта фаолияти тўғриси-да»ги Ўзбекистон Респу-бликаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси

ҳасини қабул қилиш бугун-ги кунда кенг ривожланиб бораётган суғурта фаолият-ини тартибга солишда му-ҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Шунингдек, су-ғурталовчиларга қимматли коғозлар бозорида инве-стицион воситачи сифатида профессионал фаолият юритиш имконини бериши айтиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

Охунбобоев тум-ани Шаҳартёпа қиш-лоғида қад кўтарган агросаноат касб-ху-нар коллежи билим ва хунарга чанқок ёшлар билан тўлди.

ШАҲАРТЕПАДА КОЛЛЕЖ

Қадим Марғилонни Марказий Фарғона чўли кенгликлари билан бў-лаган катта йўл ёқаси-даги бу замонавий ва мушташам масканда ёшлар қишлоқ ҳўжалик машиналарини жиҳоз-лаш ва таъмирлаш, бош-қариш, фермер ва ўсимликшўнослик, бух-галтерия ҳисоби, ўсим-ликларни ҳимоя қилиш йўналишларида таълим олишади.

615 нафар талабага мўлжалланган таълим масканида ёшларнинг билим олишлари, касб сирларини ўлашти-ришлари учун барча шартно муҳайё. Кенг ва ёруғ фан кабинет-лари, компьютер син-фхоналар ва замона-вий лаборатория жи-ҳозлари ёшлар ихтиё-рида. Очик ва ёпиқ спорт мажмуаларида эса йилнинг хоҳлаган фаслида спорт билан шуғулланиш имкони мавжуд.

Замонавий ва мушташам коллеж биноси қурилишига икки мил-лиард 14 миллион сўм маблаг сарфланди.

К.РАСУЛОВ.

Ўзбекистон — Озарбойжон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давом. Бошлангич 1-бетда)

Бундан ташқари, Ўзбекистон нефть-газ ва металлургия sanoati соҳасида Озарбойжон билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Умуман, қўшма корхоналар тузиш орқали икки томонга ҳам фойда берадиган соҳалар кўп. Мисол тариқасида Бокуда трактор йиғувчи корхона очилиши мумкин. Бунинг учун ҳуқуқий асослар етарли, икки мамлакатда ҳам яхши сармоявий муҳит яратилган, ишбилармонлар ҳамкорлигини рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбойжон пахтачилик ва ипақчилик борасида катта тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлиб, тўқимачилик sanoati соҳасида улкан имкониятлар заҳирасини ишга солиш мумкинлигини таъкидлаш жоиз.

Яна бир соҳа — транспорт коммуникациялари. Бу йўналиш ўзаро муносабатларда муҳим ўрин тутди. Икки мамлакатга қарашли юкларни ташиниш бораберида транзит хизматидан ҳам яхши даромад олиш мумкин. Демак, Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг ўзаро мувофиқлаштирилган транспорт сибсати юртиш икки томон учун ҳам жуда фойдали бўлиши шубҳасиз. Музокарада гуманитар ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбек ва озарбойжон халқларининг адабий мероси умумий, маданият ва санъа-

ти муштаракдир. Озарбойжонда Навоий ёҳуд Бобур, Ўзбекистонда Низомий ёки Ғофурий асарларини ўқимаган кишини топиш қийин. Икки халқ бу жиҳатдан ҳам бир-бирига катта ҳурмат-эҳтиром билан қаради.

Мамлакатимизда 2003 йилдан Озарбойжон маданият марказлари уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Озарбойжон Президенти Илҳом Алиевнинг 2004 йил март ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи асносида пойтахтимизнинг энг сўлим масканларидан бири — Бобур боғи ва Низомий номидagi Тошкент давлат педагогика университети туташган майдонда Низомий ҳайкали очилгани ҳам диққатга сазовордир. Президент Илҳом Каримов бу ёдгорлиқни «қардош озарбойжон халқига, унинг кўҳна тарихи ва маданиятига, асрлар синовидан ўтиб келган сўнмас руҳи, ирода ва маънавиятига, унинг ёруғ келажига бўлган ҳурмат ва ишончимизнинг рамзи», деб атаган эди.

Ўзбекистон ва Озарбойжон вакиллари икки мамлакатда ўтадиган турли маданият ва санъат фестивалларида, форум ва кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Жумладан, Озарбойжон санъаткорлари ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқро мусика фестивалининг доимий ва фаол қатнашчилари бўлиб, унда бир неча бор совринли ўринларни эгалла-

ганлар.

Музокарада халқларимизнинг маънавий яқинлигини инобатга олиб, қўшма маданий тадбирларни кўпайтириш, айна пайда сай-ёҳлик, спорт, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш ва қатор бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокарада яқинда Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида солиқ соҳасида ҳамкорлик ва ахборот алмашиш, махфий ахборотни ўзаро ҳимоя қилиш, гуманитар ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, темир йўл транспорт соҳасидаги ҳамкорлик ва комбинациялашган ташувларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битимлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар бугунги суҳбатлар ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтганини, ҳамкорликни ривожлантиришга доир кенг қамровли масалалар муҳокама этилганини, уларнинг барчаси юзасидан фикрлар бер жойдан чиқганини таъкидладилар. Музокара яқинда имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва

Озарбойжоннинг узок муддатли манфаатларига, икки мамлакатни ривожлантириш ва халқларимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилишини қайд этдилар.

— Бугунги музокарада икки томонлама муносабатларга доир ҳамда халқро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашидик, — деди Илҳом Каримов. — Муҳокама этилган масалалар юзасидан фикримиз бир жойдан чиқганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон Озарбойжон билан узок муддатли, ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

— Илҳом Каримовнинг ушбу ташрифи ривожланиб бораётган Озарбойжон — Ўзбекистон муносабатларидаги муҳим босқичдир, — деди Илҳом Алиев. — Бизни тарихий, маданий муштараклик, аънавий дўстлик ва мустақиллик йилларидаги яқин ҳамкорлик биллаштириб туради. Озарбойжон билан Ўзбекистоннинг интеграцияси нафақат икки мамлакат, балки Марказий Осиё, Кавказ, Каспий бўйи минтақалари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбарининг Озарбойжонга ташрифи мамлакатларимиз ва халқларимиз дўстлигининг яна бир ёркин далили бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримовнинг Озарбойжон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

(Ў.А.)

Фракция йиғилиши

ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАДА



ҳақидаги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Таъкидландики, ушбу Конвенцияга Ўзбекистоннинг қўшилиши Конституция, "Радиацион хавфсизлик тўғрисида"ги, "Чикиндилар тўғрисида"ги қонунлар ҳамда бошқа ҳуқуқий норматив ҳужжатлар, халқро шартномаларга мос келиш билан бирга, бугунги кундаги глобал ма-

сала — экологик муаммоларнинг олдини олишда қўл келади.

Қонун лойиҳалари юзасидан депутатларнинг фикри-мулоҳазалари тинланди, фракция нуктаи назари белгилаб олинди.

Ўқтам ХУДОЙКУЛОВ, "Адолат" мухбири. Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.



“ИСТИҚЛОЛ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА”

“Адолат” СДП Чортоқ тумани Кенгаши ҳамда “Қамолат” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда “Истиқлол — менинг тақдиримда” шиори остида тадбир ўтказилди. — Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, келажак авлодга яратиб берилаётган кенг имкониятларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш, уларда она Ватанга муҳаббат ҳиссини юксалти-

риш асосий вазифамиз саналади, — деди туман партия Кенгаши раиси ўринбосари Ҳабибхон Мирабдуллаева. — Негаки, истиқлолнинг жамият ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этишини англаган инсонгина янгидан-янги ютуқлар сари дадил ҳаракат қилади.

Тадбирда партия Фаолият дастури тўғрисида, шунингдек, вилоят Кенгашининг бугунги кунда олиб бораётган фаолияти ҳақида

маълумотлар берилди. Айниқса, сиёсий партияларнинг демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни борасида билдирилган фикр-мулоҳазалар, мунозаралар анжуманининг янада қизгин ўтишини таъминлади.

Ижодкор ёшларнинг Ватан, мустақиллик ҳақидаги шеърлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Уларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

ҲАМКОРЛИҚДАГИ ТАДБИРЛАР

Тинчлик-осойишталикни асраш мамлакат тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутди. Бунинг учун эса ҳар бир фуқаро жамиятда бўй бераётган ўзгаришлардан хабардор бўлиш, доимо огоҳ юриши зарур. Ана шундагина турли ёт гоълар, бузғунчи таъсирлардан ҳимояланган бўламиз. Тошкент вилояти партия Кенгашининг Охангарон, Бекобод, Юқори Чирчиқ ва Қирғай туманлари ҳокимликлари билан ҳамкорликда ташкил этган “Огоҳлик — давр талаби” мавзусидаги

тадбирларда шу ҳақда сўз юритилди. — Фуқароларни огоҳликка чақириш, уларни қийнаётган муаммоларни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этишга қўмаклашиш партияимизнинг асосий вазифаларига киради, — дейди вилоят Кенгаши раиси К.Шодиётов. — Улуғ шоир Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, огоҳ инсон шоҳга ўхшайди. Чунки у юз бераётган жараёнларга тўғри ва ҳолисона муносабат билдира олади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давом. Бошлангич 1-бетда)

Тармоқнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиши натижасида 2008 йил давомида корхоналар даромади ўтган йилга қараганда 58,5 фоизга кўпайди. Телекоммуникация тармоқининг ривожланиш даражасига мобил алоқанинг қўламлиги қараб ҳам баҳо бериш мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда мобил алоқа абонентлари сони 10 миллиондан ошди.

Ихтисослашган илмий-техника зоналари тармоғини барпо этиш, ишлаб чи-

қариш ва тадбиркорлик фаолиятига юқори технологияларни самарали жорий этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот технологияларини қўллашни кенгайтириш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиладиган интерфаол хизматлар ҳажмини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, мамлакат ахборот хавфсизлиги тизимини мустаҳкамлаш, электрон ҳужжат айланиши механизмининг таъминлаштириш Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини рив-

вожлантиришнинг устувор йўналишларидир.

Мажлисида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари ҳақида ҳам сўз юритилди. Ушбу соҳадаги қўнулар ва қонуноти ҳужжатлари ижросини таъминлаш, “Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш долзарблиги, “Алоқа тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар

муҳокама этилди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонун ижодкорлиги, фаолиятининг истиқболли йўналишлари ҳам белгилаб олинди.

Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, бошқа вазирлик ва идоралар, ахборот-коммуникация соҳасидаги муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Депутатлар томонидан берилган саволларга батафсил ва аниқ жавоблар қайтарилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлиси якунлари

бўйича тегишли қарор қабул қилди. Ушбу қарорда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни қонун йўли билан таъминлаш палатанинг устувор вазифаси эканлиги белгиланди. Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитасига мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни таъминлашга қаратилган қонун ижодкорлиги ишлари дастури лойиҳасини тайёрлаш ва қўриб чиқиш учун киритиш вазифаси топширилди.

(Ў.А.)

ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Келес шахрида янги ўқув маркази ишга туширилди. Гап шундаки, “Ўзбекэнергия” акциядорлик компанияси Тошкент электр тармоқлари акционерлик жамияти бу ерда соҳа ходимлари учун шундай маскани бунёд этди.

Замоновий услубда қурилиб, жиҳозланган ушбу ўқув марказида ёшлар билим олишда, ёш мутахассислар малакаларини оширади. Марказда тинчловчилар учун барча шароитлар яратилган. Компьютер, техника хавфсизлиги, лаборатория хоналари, 20 ўринли ётоқхона ва ошхона тинчловчилар хизматида.

Ў.А. мухбири.

Иқтисодиёт чорраҳаларида

Қорақалпоқ ҳудудидан қачонлардир Буюк ипак йўли ўтган. Қадим қароқалпоқнинг занг жарағларига, сарбонларнинг ҳайқаришларига — ҳамма-ҳаммасида гувоҳ бўйлаб... Бугун — Мустақиллик йиллари ҳудуди ўша қадим йўллар ўрнида замоновий кенг ва равоён йўллар барпо этилган давр ҳақида асрлар ўтиб, тарих одамларга сўйлаб берса, не ажаб!

Зотан, бу йўлларда тарихга муҳрланган қоллишга ариғлик бунёдкорлик ишлари амалга ошириладиган, Мана, шулардан айримлари ҳақидаги мухта-сар маълумотлар:

● Ўзбекистон мустақилликка эришиши биланқоқ мамлакат Президент Илҳом Каримов республика-миниз йўллари харитасида “Навоий — Учкудук — Султон Увайтоғ — Нукус” темир йўли ҳам вужудга келиши зарурлигини ўқитди. 1992 йил бошида “Боштранслойиҳа” институти ана шу янги темир йўл лойиҳасини тузишга киришди.

● 1994 йилдаёқ Султон Увайтоғ тизмаларидаги Ўғрисой ётақлари миллионлаб кубометр тош, шағал, тупроқ сингари тоғ жинслари билан тўлғазилла бошланди...

● Орадан йиллар ўтиб давлатимиз раҳбари ғояси амалий воқеликка, институт лойиҳаси эса бугунча реалликка айланди: 2002 йили мазкур темирйўл излари билан Қорақалпоғистон маркази — Нукусга биринчи йўловчи поезд кириб келди.

● Темир йўл кириб келиши билан унинг тева-ратрофида янги-янги иншо-

отлар қад кўтарди. Минглаб кишилар иш жойларига эга бўлиб, турли хил инфратузилмалар шаклланди. Қўзилқум ва Оролбўйи ҳудудларига газ, нефть, рангли металлар ва кимё sanoati янада кенг қўламлиқ олишига катта имкониятлар очилди.

● Нукус темирйўл вокзали тубдан таъмирланди. Тўртқўл, Эллиққўл, Беруний, Қораўзақ туманларида янги вокзаллар қурилди. Учкудукда шинам бекат билан бирга 20 та коттеждан иборат темирйўлчилик посёлкаси қад ростлади.

● Қурилиш жараёнлари давомида 40 га яқин катта-кичик кўприklar қурилди. Улар орасида Амударё узра (умумий қўймати 50 миллиард сўмдан ортиқ) қарийб бир километр узунликдаги ва бир вақтнинг ўзида ҳам поезд, ҳам автомобиль ҳаракатини таъминлайдиган улкан кўприк пайдо бўлди.

● Ҳазорасан туманида қўша Жайхон белига “Уралган”, узунлиги 681 метрлик Мискин — Тошсақа янги темир йўл ва автомобиль йўли кўпригининг ишга туширилиши нафақат эл узоғини яқин қилди, балки кишиларнинг ортиқча сарф-хара-

Тахририятга хат келди

ЕР УМРИ ЗОЕ КЕТМАСИН

...2006 йил декабрь ойида туманимиздаги “Меҳнат-роҳат” ширкат ҳўжалиги туғатилиб, фермер ҳўжаликларига айлантиришга киришилди. Ушунда биз ҳам узок йиллардан бери ҳўжаликда ишлаб келаётган ўғлим Шухрат Толлибоевнинг номига фермер ҳўжалиги ташкил этиш мақсадида 42-лойиҳага ажратилган ер майдонини олиш учун ҳужжат топширдик. Қайта ташкил этиш комиссияси раиси Баҳодир Норматов ҳужжатларни текшириб, ҳаттоиз эканлигига ишонч ҳосил қилгач, танловда қатнашишга руҳсат берди.

Танловда иштирок этган Элмурод Тошматов 48, Жозил Тўйчиев 47 ва ўғлим Шухрат Толлибоев 62 балл олди. Шундан сўнг комиссиянинг 2007 йил 11 январдаги йиғилиш баённомаси ва туман ҳокимининг 2007 йил 12 январдаги қарори билан 42-лойиҳадаги 10 гектар ер майдони ўғлимга ажратиб берилди. Лекин рақибимиз Э.Тошматов турли идораларга шикоят ва аризалар ёзавергандан кейин тендер комиссияси ва бошқа мутасадди идоралар ишни чаппасига айлантиришга киришди. Хусусан, вилоят Адлия бошқармаси 2007 йил 11 апрелда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш хусусида туман ҳокими номига тақдимнома киритди. Унда Ш.Толлибоев фақатгина 2004 йилда пахта хошасини етиштириш режасини бажарганлиги, 2005 йилда 3,8 гектар ер майдонидан режадаги 10,6 тонна ўғнига 9,6 тонна пахта топшириб, режани 90,6 фоизга уддалаганлиги, 2006 йилда эса 3,8 гектар галладан 18,7 тонна ҳосил топшириб, режани 98,4 фоизга бажарганлиги айтилган. Ваҳоланки, собиқ “Меҳнат-роҳат” ширкат ҳўжалиги томонидан комиссияга тақдим қилинган маълумотномада 2005 йил-

да Ш.Толлибоевга ажратилган ер майдони тақдимномада айтилгандек, 3,8 гектар эмас, балки 3,5 гектар деб кўрсатилган. Ва режа ортиги билан бажарилган деган хулоса берилган. Худди шунингдек, вилоят Адлия бошқармасининг тақдимномасида 2005 йилда Ш.Толлибоев билан “Меҳнат-роҳат” ширкат ҳўжалиги ўртасида пахта етиштириш бўйича шартнома тузилмаган, шу йил учун бригада бошлиғи Қ.Қўрдошов билан шартнома имзоланган дейилган. Шундай экан, ўша йили Элмурод Тошматов ҳам ширкат ҳўжалиги билан шартнома тузмаган. Неган унда бунга эътибор қаратилмади экан. Ёки бунинг тағдида бошқа қир-синоат борми?

Тендер комиссияси яна бир қўпол хатоликка йўл қўйганки, буни айтмасам бўлмайди. Ер қандай қилиб бўлмасин, Э.Тошматовга олиб берилиши керак, деган “хулоса”га келган тендер комиссияси ширкат ҳўжалигида 3,72 гектар ер майдонида звенно бошлиғи бўлиб ишлаб келган бўлсада, 3 йиллик режа кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотномада мазкур экин майдонини 3 гектар деб кўрсатган. Бундан ташқари, “Файзобод” ҚФЙ томонидан унинг мол-мулки ҳақидаги маълумотномани сохталаштириш мақсадида мол-мулкни ҳисобга олиш дафтарига ҳам ўзгартариш киритилган. Бу билан Э.Тошматовнинг балларини кўтарилшига эришилган. Хуллас, 2007 йил 28 апрелда туман ҳокимининг ўғлим Ш.Толлибоевга ер ажратиш ҳақидаги қарори бекор қилиниб, қайта танлов ўтказиш белгиланди.

Буни қарангки, 2007 йил 19 июлда ўтказилган қайта танловда Э.Тошматов ва Ж.Тўйчиев иштирок этди. Лекин тендер танлови охи-

лаганда Э.Тошматов арзи-мас ваъжи баҳона қилиб, унда катнашишдан бош тортиди. Шундан сўнг комиссия аъзолари Ж.Тўйчиевнинг иштирокида танловни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди ва у тендер қолиб қолди деб топилиб, 2007 йил 30 августда туман ҳокимининг унга ер ажратиб бериш тўғрисида қарори чиқди. Бундан норози бўлиб, Ж.Тўйчиев фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига даъво аризаси киритди. Туман фуқаролик суди масалани Ж.Тўйчиев фойдасига ҳал қилди. Лекин ҳали ҳам бу иш суднинг турли инстанцияларида қайта қўрилмоқда.

Бир нарсга кишини ўйлантиради: қайта ташкил этиш комиссияси агарда қонун ҳужжатларида белгиланганидек, иш олиб борганида масала бу қадар чиғаллашмасдими? Биз шу қадар сарсон-саргардон бўлмасмидик?..

Халқимизда бир кун жанжал қиққан жойдан қирқ кун барака кетади, деган нақл бор. Э.Тошматов суд-ма-суд, идорама-идора юришдан бўшамаганлиги учун ер умри зое кетаяпти. Бу ҳам етмагандек, у пахта етиштирилгандан 7 гектар ернинг 0,7 гектари-га бошқа экинлар экиб, фойдаланаётганига нима дейсиз!

Ҳурматли “Адолат”-чилар! Ушбу мақтубимни газетангиз саҳифаларида чоп этсангиз, Зора, ана шунда мутасаддилар масаланинг адолатли ҳал этилишига амалий ёрдам беришса...

Сайдулло ИСҚАНДаров, Иштихон тумани.

таъмирланди. ● 2003 йилнинг март ойидан бошлаб Устюрт текислигида Буюк ипак йўлининг бир қисми ҳисобланган ва Қозоғистоннинг Каспий денгизи соҳилидаги Отрау бандагроҳига туташадиган “Нукус — Қўнғирот — Бейнеу” автомобиль йўли қурилиши шитбо билан давом этмоқда. ● Худудда йўл қурилишини янада такомиллаштириш борасида “Ўзавтойўл” давлат акциядорлик компанияси буйруғи билан 2002 йилнинг 23 октябрида Қорақалпоғистон кўприк ҳўжали-

гини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш (КХСИТФ) корхонаси ташкил этилди. Корхона жамоаси зиммасига А-380 “Гузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу” автомобиль йўлида олиб борилаётган барча турдаги ишларнинг халқро талаблар даражасида амалга оширилишини таъминлаш ва барча турдаги йўл ишларига бош пудратчи бўлиш вазифаси юкланди.

— Йўл қуриш — оғир иш, — дейди Қорақалпоғистон КХСИТФ — кўприк ҳўжалигини ихтисослаштирилган

ЙЎЛЛАР,

истиқлол йилларининг



Ислохот ва самара

ЭНГ НАМУНАЛИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ

бугун Самарқанднинг энг сифатли мебелини ишлаб чиқармоқда

Самарқанд туманидаги "Отабек" масъулияти чекланган жамияти мебелсозлари ўтган йил 1 миллиард 550 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга муваффақ бўлдилар. Бу борадаги ўсиш суръати аввалги йилдагидан бир ярим баробарга кўпайди. Буюртмачилар доираси ҳам кенгайиб Навоий, Хоразм, Бухоро, Қорақалпоғистон ҳудудларини ўз ичига олди. Унлаб ҳаридор ташкилотлар, корхона билан олдиндан шартнома тузиб, ҳамкорлик қилиш-

ни фойдали деб билмоқдалар. Хўш, рақобат бозоридаги муваффақиятнинг сириниманда?

— Энг аввало, буюртмачилар манфаатларини ҳисобга олиб нарх белгилаётганимиз ва маҳсулот сифатини пухта назорат қилиб бораётганимизда, — дейди МЧЖ раҳбари Раҳматжон Эгамбердиев. — Ахир, вилоятда мебел ишлаб чиқараётган корхоналар оз эмас. Улар билан рақобатда ўз фарқимиз, устуни жихатларимиз бўлиши керак-да!

Дарвоқе, "Отабек" корхонаси бугун ҳаридорларга 100 хилдан ортиқ мебел, тиббий ускуна ва спорт жиҳозларини тақдир этмоқда. Бу маҳсулотлар рақобатбардошлилиги боис янги қурилатган мактаб, коллеж ва лицейларни жиҳозлашда кенг фойдаланилмоқда. Бунга Халқ таълими вазирлигининг 1 миллиард сўмлик буюртмаси бажарилгани ҳам бир мисолдир.

Корхона мебелсозлари маҳсулот сифатини янада яхшилаш, турларини кўпайтириш учун янги технологияларга бор куч, маблағини сарфламоқда. "Отабек"нинг замонавий цехлари Туркиядаги "Туронлар" фирмасининг мукамал ускуналари билан жиҳозланган. Шу йўналишда Украина саноатчилари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик қилинмоқда.

Айни пайтда корхонада юздан ортиқ мутахассис меҳнат билан банд. Зариф Мўминов, Жонибек Ражабов, Хуршид Тўраев, Санъат Мамараҳимов, Жамшид Абдулвалимов сингари мебелсоз усталар ўз изланишлари билан корхона шухратини оширишмоқдалар.

Шуни ҳам айтиш керакки, "Отабек" раҳбари Раҳматжон Эгамбердиев "Ташаббус — 2008" республика кўрик-танловининг тадбиркорлик номинацияси бўйича ғолиби деб эътироф этилгани, махсус соврин билан тақдирлангани ҳам жамоанинг умумий ютуғидан далolat беради. Қолаверса, корхона мебеллари "Самарқанднинг энг сифатли мебели" деб топилгани, жамоа эса Энг намунали солиқ тўловчи" номини олгани "Отабек" МЧЖ ҳамма соҳада қўли баланд, имконияти кенглигини намоён этмоқда.

Зохир Тўрақулов, "Адолат" мухбири.



ПОКИСТОНДА ЯНГИ РАҲБАР

Пойтахт Исломободда марҳума Беназир Бхуттоннинг турмуш ўртоғи Осиф Али Зардорий Покистоннинг янги президенти сифатида қасамёд қабул қилди.

Мамлакат парламентининг икки палатаси ва тўрт маҳаллий кенгаш аъзолари иштирокидаги президент сайловида Зардорий кўпчилик овозини тўплаган. Мамлакат президенти Парвез Мушарраф ўз истеъфосини эълон қилганидан кейин президентлик сайловини ўтказишга қарор қилган эди.

Осиф Али Зардорий Покистоннинг энг бахтсиз сиёсатчиларида бири саналади. Узоқ йиллар мобайнида унга қатор айбловлар қўйилган, бироқ Зардорий айбдор, деб топилмаган.



ЭКСПОРТ СЕКИНЛАШДИ

Европа комиссияси тарқатган маълумотларга кўра, 2008 йилнинг тўртинчи чорада Буюк Британия, Германия ва Испания иқтисодий турғунлики бошдан кечириши мумкин.

Мазкур уч давлатда кетма-кет икки чорак давомида иқтисодда силжиш кузатилмаган. Бу ҳолат сентябрь ойида ҳам давом этаётгани кузатилмоқда. Европа комиссияси, шунингдек евро пул бирлиги амал қиладиган ҳудуддаги иқтисодий ўсиш прогнозини ҳам пасайтиришга қарор қилган.

Бу йилда «евро ҳудуди»даги 15 мамлакатдаги ўсиш башорат этилганидек, 1,7 эмас, 1,3 фоизни ташкил этади. Маълум бўлишича, шу йил апрелидан июн ойигача евроҳудуд иқтисодиёти 0,2 фоиз қисқарган.

Бу 1999 йилда евро пул бирлиги муомалага киритилганидан бўён дастлабки салбий кўрсаткичдир. Мутахассисларнинг фикрича, бунинг асосий сабаблари экспортнинг секинлашиши ва истеъмол харажатларининг қисқарганидир.

Шарҳ

«КОПТОК ҚОЛСАЯМ, ДАРВОЗАЛАР ОЛИБ ТАШЛАНСИН»

Туркия ва Арманистон давлатлари қарийб 15 йиллик танаффусдан сўнг ўзаро муносабатларни қайтадан йўлга қўйди. Туркия президенти Абдулла Гулни ҳаммаси Серж Саркисян футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш босқичида ҳар икки мамлакат терма жамоалари ўйинига тақдир қилди. Бу Туркия президентининг Арманистонга биринчи расмий ташрифи саналади.

Собик иттифок парчаланган, ҳудуддаги давлатлар қатори Арманистон ҳам мустақилликка эришиб, ўз йўлини таллади. 1991 йилда мазкур давлатни Туркия биринчи бўлиб тани олди ва қўшнилар ўртасидаги алоқалар ривожлана бошлади. Аммо орадан икки йил ўтиб, Арманистон ва Озарбайжон ўртасида Тоғли Қорабоғ муаммоси пайдо бўлган, расмий Анкара ушбу масалада Озарбайжонни қўллаб-қувватлагани боис, арман-турк чегараси ёпиб қўйилди.

Ҳар икки томоннинг қўлланган урғушувига, аввало, кейинги пайтларда Кавказда содир бўлаётган воқеалар туртки берган. Чунки минтақада ўзгариб бораётган геосийёсий вазият уларни музокара олиб бо-

ришга қорлайтир. Томонлар таъкидлаганидек, ҳар икки давлат ўртасидаги айрим муаммоларга қарамай, чегараларни очиб, ҳамкорликни ўрнатиш вақти етди. Бинобарин, қўшни давлатларнинг бундай сайё-харақати ҳам Туркия, ҳам Арманистон учун келгусида улкан имкониятлар эшигини очади. Энг аввало, расмий Анкара олдида ҳудуд етакчилиги айланишининг янги ва қўлланган шарт-шароитларни яратди. Бу эса, аввало, Туркиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиш сари муҳим қадамдир.

Дарҳақиқат, Туркия Европада интеграциялашув мақсадида чиндан ҳам катта куч сарфламоқда. Расмий Анкара эндиликда бу мақсадга тезроқ етиш учун барча чора-тадбирларни мустақил ҳал этишга киришган. Туркия, табиийки, ЕИГА аъзо бўлиш учун барча тўсиқларини олиб ташлашдан манфаатдор. Мамлакатдаги бундай тўб бурилишларда ҳукумат тепасига келган «Адолат ва ривожланиш» партияси раҳбари, бош вазир Ражаб Тойиғ Эрдоғаннинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Қўшни давлатлар ҳеч қачон бир-бирдан айро яшай олмаган. Чегараларнинг очилиши нафақат сиёсий, балки иқтисодий томондан ҳам катта фойда келтирган. Туркия давлат статистика божқармаси маълумотларига кўра, 2002 йил ҳолати бўйича Туркиянинг МДҲ маҳсулотлари умумий инвентариялари ҳажми 6,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Жумладан, Озарбайжонга 1,5 миллиард, Россияга 800 миллион, Қирғизистонга 350 миллион, Грузияга 125 миллион, Украинага 100 миллион, Тожикистонга 30 миллион, Беларусга 19 миллион доллар. Айни пайтда Грузия ҳамда Эроннинг бевосита иштироки билан Арманистон ва Туркия ўртасидаги товар айланиши йили-

га қарийб 200 миллион долларни ташкил этади. Арманистонда йигирмага яқин арман-турк қўшма корхоналари фаолият қўрсатмоқда. Агар чегаралар очилса, Арманистоннинг ташқи савдо айланиши 500 миллион долларга ошиши кутилмоқда. Таҳминларга кўра, арман давлати Озарбайжондан энергия ресурсларини арзонроқ сотиб олади ва ўзининг энергетик имкониятларидан фойдаланган ҳолда маҳсулотларини Туркияга экспорт қилишни бошлайди. Туркия эса Арманистоннинг транзит мамлакат сифатида қабул қилади. Бу Арманистон учун Туркия орқали Европада, ақсича Туркия учун Арманистон орқали Озарбайжонда чиқиш имкониятини яратди.

Айни пайтда Туркия маҳсулотлари нархи етарлиқ арзон бўлгани учун чегара

Эшиги энг яқин бўлган қўшни яхшилик қилиш учун энг лойиқ қўшиқдир.


Имом БУХОРИЙ.

очилгач, арман маҳсулотлари рақобатга бардош бера олмай қолгани мумкин. Ниҳоят, Арманистонни турк маҳсулотлари билан тўлдирлиши энди-энди пайдо бўлаётган миллий саноат учун ҳалокати оқибатларга олиб келиш аҳтимоли бор.

Аслида, турклар ва арманларнинг алоқалари ўзоқ даврларга бориб тақалади. Адабий мерос, урф-одатлари жуда яқин, маданияти муштарак. Бу ўзаро муносабатлар борасида катта таъжирбалар тўпланганлигини англатади. Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, ҳар иккала давлат раҳбарлари футбол бўйича ўз терма жамоаларининг Истанбулдаги учрашувида яна учрашишди. Демак, муносабатлар янада мустаҳкамланиши мумкин.

Бехбуд БОТИРОВ.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?



ТАЪМИНОТДА МУАММО БЎЛМАЙДИ

Ўтган кишининг қаттиқ келгани, совуқнинг анча вақт шаштидан тушмай тургани қатор соҳалар каби иссиқлик манбаи идоралари ходимларини ҳам бироз шошириб қўйди. Аммо улар юзага келган вазиятдан эсанқирамай, зиммаларидаги вазифаларни астойдил бажариб, элга хизмат кўрсатиш пайида бўлишди.

Муборак тумани Иссиқлик манбаи, сувоқава ва ободонлаштириш бошқармасида

меҳнат қилаётган 270 нафар ишчи-хизматчилар ҳам кишин-ёзин шундай эл-юрт ташвиши билан яшайди. Ахир жамоа шу кунларда Муборак шаҳридаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи 25 минг нафар аҳоли ҳамда корхона, ташкилотларни иссиқлик манбаи ва тоза ичимлик суви билан таъминлаб келмоқда.

— Халқ ҳўжалиги тармоқларини 2008-2009 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида бошқармада кенг қамровли ишлар бажарилапти, — дейди бош муҳандис Қасимжон Сатторов. — Ҳудудимиздаги аҳоли ҳамда ташкилотларни иссиқлик манбаи билан мунтазам таъминлаш ишларини тўғри йўлга қўйиш чора-тадбирлари қўриб чиқилди. Хусусан, марказий қозонхонада таъмирлаш ишлари бажарилиб, эскириб қолган жиҳозлар янгисига алмаштирилди. 3 та қозон жорий, 2 таси мукамал таъмирдан чиқарилди. Бу билан иссиқлик таъминоти линияларини узуксиз ишлашга шай қилиб қўйди.

Бундан ташқари, жамоа шахарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда ҳам талай ишларни амалга оширмоқда. Шунга кўра, 5 минг тўп мева ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда 10 минг тўп ҳар хил гуллар парвариш қилинмоқда.

Ахмад АЛИМУРДОВ, "Адолат" мухбири.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.



таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси бош муҳандиси Олимжон Раҳимов. — Масъулияти катта. Айни пайтда хайри, эгуиш. Халқимиз бекорга қолади, демаган. Лекин нозик томони шундаки, ишдаги (хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин) ҳар қандай хато эрта бир кун йўловчиларга панд бериши, талофатга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг билан ҳам бир жараёни қиёмига етказиб бажаришга ҳаракат қилишяпти.

— Корхонамизнинг ташкилий даври ҳақида ҳам қисқача сузлаб берсангиз?

— Корхонамиз 2002 йил охирида «Узавтотўл» давлат акциядорлик компанияси бўйиғи билан ташкил топди. 2003 йилнинг январь ойидан эътиборан, малакали ишчи ва инженер-техник ходимларни ишга қабул қила бошлади. Қурилишга зарур юк автомобиллари ва йўл техникалари олиниб, тегишли хўжалик субъектлари билан шартномалар тузилди. 2003 йил-

нинг март ойидан бошлаб, Устюрт текислигида «Кўнгирот — Бейнеу» автомобил йўли қурилиши вахта усулида йўлга қўйилди.

Устюртда Қизилқум саҳросининг саратон жазираси-ю, кишининг қаҳратон совуғида қурувчиларнинг иш олиб бориши осон бўлмаслигини тасаввур қилсангиз керак. Шунинг учун ҳам қурилиш ишларини бошлаш жараёндан қўлга оларга барча қулайликлар яратиб берилди. Ишчи-хизматчилар вагон-уйларга жойлаштирилди. Ёз фаслида салқинроқ бўлиши учун «қора уй»лар билан таъминланди. Иш, боя айтганимдек, вахта усулида — ҳар ойда 15 кун ишлаб, 15 кун дам олиш тартибиди.

Каттовга махсус автомашиналар ажратилиб, ишловчиларнинг иш ҳақлари вақтида бериб борилапти. Улар бепул иссиқ овқат билан таъминланган.

— Қурилишнинг лойиҳа-смета ишлари босқичлари қандай кечди?

— Автомобиль йўли қурилишининг дастлабки тасдиқланган лойиҳа-смета баҳоси (2003 йил баҳосида) 34 миллиард 157 миллион 84 минг сўм бўлди. Лойиҳалаштириш ишларига «Европа-Азия» трансконтинентал

конкорциуми руҳсатидан сўнг киришилди. Унда республикамизда 14 та лойиҳа институтлари қатнашди. Шу билан бирга, Словакиянинг «Доправа проект» ва Чехиянинг «Прага проект» институтларидан етакчи мутахассислар ҳам фаол иштирок этишди. Лойиҳа муваффақиятли чиқди ва унга Германия, Словакия, Чехия экспертлари юқори баҳо беришди.

— Автомобиль йўли қурилиши қандай таъсир қилди? У биз учун Европа, Осиё ва умуман дунё бозорига қандай эшиклар очади?

— Қўшни давлатлар ҳам бу йўлдан манфаатдор. Мазкур, Хитой ҳукумати катта қизилқум билдирмоқда. Зеро, уларнинг ҳам мақсади — биз орқали Европада чиқиш. Қолаверса, мазкур тейорар автомагистраль қурилиши Ўзбекистон ва Қозғистоннинг Евроазия транспорт тизимига киришига «эшик» очади. Демак, Хитой, Қирғизистон, Қозғистон, Европа транзит қатнови (Минск — Варшава — Берлин — Гамбург) келажакда давлатимизга кўп миқдорда фойда келтиришига шубҳа йўқ.

— Ҳозирги ишлар тўғрисида ҳам...

— «Кўнгирот — Бейнеу» автомобиль йўлининг 963,4 километри билан 1204-километри оралиғи узунлиги 241 километрини ташкил қилади. 2003 йилнинг сентябрь ойида ана шу оралик-

да технологик автотранспорт қатнови амалга оширилди. Бу қатнов магистраль қурилиш суръатини янада жалдлаштиради. Қурувчилар ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг (2003 йил 1 августдаги) фармойиши билан «Миллий қурилиш ойлари» йил сайин авж олапти. Натижада фақат биринчи йилнинг ўзидаёқ 6 миллиард 635 миллион 651,5 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди...

Ҳозирги кунда қурилиш ишларига пудратчи сифатида Фарғона, Тошкент ва Қўнгирот йўл хўжалик корхоналари ҳам жалб қилинди. Жумладан, Фарғона йўл хўжалик корхонаси автомобиль йўлининг 1008-ва 1049-километрларидаги «Жаслик» участкасида, Қўнгирот йўл хўжалик корхонаси жамоаси 1184-километрдаги «Карақалпақ» участкаларида жадал иш олиб бормоқда. Жамоалар намунали ётоқ жой ва бошқа хил қулайликлар билан тўла таъминланган...

Албатта, тарихга муҳраб қўйишга аризулик бўвоқлар, — шаксиз, мустақиллик йиллари Қорақалпоғистон Республикасида йўлсозлик, кўприк-созлик, коммуникация ва инфратузилма тармоқлари жадал ривожланаётганидан далolat доради.

Номоз САЙДУЛЛАЕВ.

ЙЎЛЛАР...

қон томири улар



иш ҳақлари вақтида бериб борилапти. Улар бепул иссиқ овқат билан таъминланган.

— Қурилишнинг лойиҳа-смета ишлари босқичлари қандай кечди?

— Автомобиль йўли қурилишининг дастлабки тасдиқланган лойиҳа-смета баҳоси (2003 йил баҳосида) 34 миллиард 157 миллион 84 минг сўм бўлди. Лойиҳалаштириш ишларига «Европа-Азия» трансконтинентал

Қилмиш-қидирмиш

ЁҒФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

Кундалик турмушимизда ўсимлик ёғи асосий маҳсулотлардан саналади. Шу боис унга талаб катта. Бироқ бундан фойдаланиб, кингир йўллар билан бойлик орттириш мақсадидаги «ишбилармон»лар ораминда учраб тургани ачинарли.

Фуқаро М.Улуғова ҳам ана шундай кимсалардан экан. У пойтахтимиздаги «Механика мотор заводи» ёнида 1-1,5 литр ҳажмда қадокланган пахта ёғининг ҳар литрини 3370 сўмдан сотётганида қўлга тушди. Ўтказилган тадбир давомида у жами 361 литр пахта ёғини 900 АҚШ долларига пуллаётгани маълум бўлди. М.Улуғова ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмай туриб, ўз уйда қўлбола усулда яширин равишда пахта қитигидан ёғ

ишлаб чиқариб сотишни йўлга қўйганини тан олди.

Қузатувларда бошқа турдаги қонунбузарликлар ҳам аниқланмоқда. Чунонинг, Хусайн Байқаро кўчасидаги «Сам ЯНГ» ресторани олдида фуқаро С.Алимов ўзига тегишли бўлган спиртли маҳсулотларни харидорга 1650 АҚШ долларига сотётганида, қилмиш фоти этилди.

Ўқоридаги ҳолатлар бўйича жиноий иш қўзғатилди. Далилий ашё сифатида олинган маҳсулотлар сифатсиз эканлиги учун тегишли тартибда йўқ қилинди.

Х.АХМЕДОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДҚК департаментининг Бектемир тумани бўлими ходими.



АБДУЛЛА – БОШ СОВРИН СОҲИБИ



Президент соврини учун кураш бўйича Амир Темур хотирасига бағишланган V халқаро турнир ўтказилди. Мусобақада дунёнинг 30 га яқин давлатларидан полвонлар иштирок этди.

Шаҳрисабздаги "Хисор" ўйингоҳида турнирнинг очилиш маросими тантаналари бўлиб ўтди. Унда Кураш халқаро Ассоциацияси президенти Комил Юсупов КХАнинг 10 йиллик тўйи муносабати билан барчани кутлаб, курашнинг жаҳон бўйлаб ривожланишига катта улуш қўшганига учун Туркия кураш федерацияси раҳбари Юсуф Йилдиримга КХАнинг



олтин медалини топширди. Мутлоқ вазнда ўтказилган беллашуларда 80 дан ортиқ спортчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Ниҳоят, турнирнинг ҳал қилувчи палласи бошланди. Гиламда ҳамюртимиз Абдулла Тангриев корейлик Бейг Чул Санг билан ўзаро беллашди. Бел-

лашувда маҳорат ва таҳриба бобида рақибдан анча устун бўлган ҳамюртимиз галаба қозонди.

Шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олган Абдулла Тангриев 10 минг АҚШ долларини қўлга кириштириб, турнирнинг бош соврини эгаси бўлди. Корейлик полвон

Бейг Чул Санг иккинчи, Шуҳрат Нуруллаев (Ўзбекистон) ҳамда Сайид Хисравийнажот (Эрон) учинчи ўринларга ғолиб қўрилди. Ш.СУЛТОНОВ, "Адолат" мухбири.

Суратларда: турнир ғолиби; мусобақадан лавҳа.

Назм

БАТАН ҚЎЛЛАЙДИ

Ватан — азиз, сенга ота-онадир,
Пўлат қўрғон, шаксиз нажотхонадир.
Саховатда ғалғиз, битта донадир,
Сен Ватанга суян, Ватан қўллайди,
Беномуслар Ватанини пуллайди.

Ет элларда юганинда дарбадар,
Шоҳ эсанг-да сен гадога баробар.
Жиндек виждон бўлса сенда, биродар,
Сен Ватанга суян, Ватан қўллайди,
Таваб қилсанг, тўғри йўлга йўллайди.

Қўламингни босса сўлғин ҳазонлар,
Қалбинг эсса ушалмаган армонлар,
Тегранг узра айланганда туманлар,
Сен Ватанга суян, Ватан қўллайди,
Шунда умид чечакларинг гуллайди.

Ботганинда ташвишларнинг домига,
Айёр оғу солса бахтинг жомига,
Дўстинг сотқин чиқса тагин камига,
Сен Ватанга суян, Ватан қўллайди,
Мушкулнинг осонгина ҳаллайди.

Омад куши учиб кетса бошингдан,
Тишини ёрар тошлар чиқса ошингдан,
Ғам тўзони кетмай қолса қошингдан,
Сен Ватанга суян, Ватан қўллайди,
Уйласа, шу она юртинг йўллайди.

Эзгуликка шимириса билагинг,
Ушлаганда узоқ йиллик тилагинг,
Қувончингдан ёрилмасдан юрагинг,
Сен Ватанга суян, Ватан қўллайди,
Севинчингга, албат, севишч улайди.

Комил СИНДАРОВ.

Орамиздаги одамлар

Санъат

ФИДОЙИЛИК УНГА ХОС ФАЗИЛАТ

Орамизда шундай инсонлар бўладики, улар амалга ошираётган ишлар кўринмаётгандек, туюлади гўё. Аслида эса бундай кишиларнинг сазой-ҳаракати жамият ривожига ўзига хос ўрин тутлади.

Каттакўрғон туманида ҳам ана шундай инсонлар кўпчилиги ташкил этади. Улардан бири Фарида Эргашевадир. Уни туманда ҳамма яхши танийди ва сидқиқидан меҳнат қилганлиги учун унга ҳурмат билан қарашади. Бу бежиз эмас. Мулла-кичкина кишиларнинг оддий бир онласида вояга етган Фарида ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги, жамоат ишларида фаоллиги билан ажраллиб туради.

Фарида дастлабки меҳнат фаолиятини Каттакўрғон тумани ижтимоий таъминот бўлимида иш юритувчиликдан бошлади. Бу ердан ҳар кун одамлар оғи узилмаслигини кўриб, ўзини қайноқ меҳнат ҳаётида ҳис этди. Ешлари олтинидан ошган чолу кампирлар, кўп болали оналар, ногиронлар на-

фақалари ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаб беришда бош-қош бўлди, уларнинг узоқ жойлардан келиб кетатганлигини ҳисобга олиб, ёрдамини аямасди. Ушанда эш Фариданинг меҳнат фаришларига нисбатан ширинсуханлиги, беминнат хизматидан бўлим жамоаси беҳад хурсанд бўлди, ундан ибрат олинди.

Дарвоқе, ўз касбини севган кишилар иш қидириб юрмайди. Ундайларни излаб ишга тақлиф этишади. Фарида ҳам ана шундайлардан. Шунинг учун уни Халқ банки туман бўлими, "Са-райкўрғон" кишлоқ чакана савдо ва "Тадбиркор" чакана савдо ташкилотларига ҳисобчилик вазифасига ишга тақлиф этишди.

Сиртдан қараганда, ҳисобчининг иши осондек

туюлади. Лекин рақамлар билан тиллашнинг ўзи бўлмайди. Битта рақамдан адашган ҳисобчи ташкилотга катта зиён етказиши мумкин. Фарида Халқ банкида ҳам, савдо ташкилотларида ҳам ҳисоб-китоб ишларида масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда хизмат қилди. Бирон марта чалқашликларга йўл қўймади. Устозларидан ортирган тажрибаларини шогирдлари билан ўртоқлашди. Рақамларнинг ўзига хос сирини, ўзарлиги, сал бепарво бўлиб, ҳаттоликка йўл қўйилса, даромад ўрнига камомат келиб чиқиши ҳақида эш ҳамкасб-ларига маслаҳатлар берди.

Фарида 2003 йилдан буён Ҳидоят Қўқорова номли маҳалла фуқаролар йиғинида котибалик қилиб келмоқда. Олти юздан ортиқ ўн олти ёшли, юзга яқин икки ёшли болалар нафақаси ҳужжатлари дастлаб унинг қўлидан ўтади. Ҳар бир ҳужжатдаги маълумотномаларнинг тўлиқлиги,

қалбаки бўлмаслиги, ҳуллас, барча-барчасига алоҳида эътибор беради. Шунини айтиш керакки, бу ерда Фарида ишламасдан олдин ҳужжатларда жуда кўп чалқашликлар мавжуд бўлган. Натижада топширилган ҳужжатлар комиссиядан қайтиб, икки-уч ойлаб болаларнинг нафақа пулларини ололмай юрган ҳолатлар ҳам юз берган. Талабчан мутахассис норозиликларга йўл қўймади. Устозларидан ортирган тажрибаларини шогирдлари билан ўртоқлашди. Рақамларнинг ўзига хос сирини, ўзарлиги, сал бепарво бўлиб, ҳаттоликка йўл қўйилса, даромад ўрнига камомат келиб чиқиши ҳақида эш ҳамкасб-ларига маслаҳатлар берди.

Фарида 2003 йилдан буён Ҳидоят Қўқорова номли маҳалла фуқаролар йиғинида котибалик қилиб келмоқда. Олти юздан ортиқ ўн олти ёшли, юзга яқин икки ёшли болалар нафақаси ҳужжатлари дастлаб унинг қўлидан ўтади. Ҳар бир ҳужжатдаги маълумотномаларнинг тўлиқлиги,

Аскар ЖАЛИЛОВ, "Адолат" мухбири.

"БҮЮК ТЕМУР" САҲНАДА

Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти драма ва мусиқа театри ижодий жамоаси томошабинлар ҳукмига тарихий мавзудаги "Буюк Темур" спектаклини ҳавола этди.

Любсен Кореннинг шу номли асари ва Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" драматик достони асосида сахналаштирилган спектакль самарқандлик театр ижодкорларининг маҳоратини, ҳар битта образни маромига етказиб ижро эта олишларини кўрсатди.

— Тарихий мавзу ҳеч қачон эскирмайди, — дейди сахналаштирувчи режиссёр Олим Салимов. — Гап уни томошабинларга қанчалик ёқсин, бадиий бўёқларда етказиб олишимизда. Буюк аждодларимизнинг ҳаёти ифода этилган асарлар эса миллатимизга ўзлигини англашга, бой тарихимиздан зарур хулоса чиқаришга ёрдам бериши шубҳасиздир.

Ўз мухбиримиз.

Ибратли ҳикоятлар

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Ўрмоннинг бир чеккасида шер ух-лаб ётарди. Сичкон унинг устига чиқиб ўйнай бошлади. Шу пайт шер уйғониб кетди ва сичконни тутиб олди.

— Қалайсан, миттвой? — деди шер, — шундай сиқиб мажлаб қўя қолайми?

— Икитеринг, — деди сичкон, — жоним қўлингда, ўлдирсанг ўлдирар.

Агар қўйиб юборсанг, бир кун келиб сенга яхшилик қиламан.

— Сенинг қўлингдан нима яхшилик келарди, — деди қўйиб шер. Лекин сичконга раҳм қилиб қўйиб юборди.

Бир кун шер овчиларнинг қўлига тушиб қолди. Уни дархтга боғлаб қўйиб, овчилар тушлик қилгани ўтир-

дилар. Шер наъра тортиди. Бунини сичкон эшитиб қолди. Шипиллаб етиб келди. Қараса, халоскори дархтда боғлиқ турибди. Сичкон дарров арқонни гажига тушди. Анчадан кейин ип узилди ва шер бандиликдан қутулиб қолди.

Кичкина деманг бизни, деб шунга айтсалар керак-да.

Кичкина деманг бизни, деб шунга айтсалар керак-да.

СУРНАЙГА БАЛО БОРМИ?

Бўрибой ойдадада ёлғиз юрган улоқни учратиб қолди.

— Учраганинг яхши бўлди, — деди бўри. — Корним оч эди, бир тўядиган бўлдим.

Улоқ бундай қараса, бўридан қутулишини сира ило-

жи йўқ. Уйлаб-уйлаб, охири хўйлағи ўтди: — Майли, начо-ра, — деди у, — есанг еяқол. Фақат битта илтимосим бор.

— Канака илтимос?

— Менинг битта сурнайчам бор. Шунини сен чалиб турсанг, мен ўлимим олдида маза қилиб ўйнаб олсам,

нима дединг?

Бўри рози бўлди. Улоқ унга сурнайни берди. Бўри чалди, улоқ диққатлаб ўйинга тушди.

У ўйнаб-ўйнаб эчки подасига қараб юрди. Бир пайт бўри-босар итларини эргаштириб чўпон кўринди. Улоқ эса пода ичига кириб кетди. Бўри сур-

найни тишлаганча қолаверди.

— Минг лаянат сенга, бўри-вой! — деди ўзига ўзи. — Асли касбинг қасослик бўлса, сурнай чалишингга бало бормиди?

Ростдан ҳам ҳар қим ўз ишини қилгани маълум.

Саъдулла СИЕЕВ.

Ўқинг,
бу — қизиқ!

СОАТСОЗЛИК ТАРИХИДАН

Механик соатни италиялик Пачификус IX асрда ихтиро қилган. XIV асрдан шпинделли механик соатлар ҳам расм бўлган. Бу соатларда деворга осиладиган ҳозирги соатларнинг барча асосий қисмлари бор эди.

Россияда улкан минора соатларини 1404 йили Л.Сербин деган монах ясаб, Москва Кремлига ўрнатган. XV-XVII асрларда минора соатларини ясаб Россияда кенг расм бўлди.

XVII-XVIII асрларда денгизларда узоқ мамлакатларга сафар қилиш авж олиши муносабати билан соатга эҳтиёж кучайди. Чунки вақтни аниқ билмасдан туриб кеманинг қаерда кетаётганидан бохабар бўлиш қийин. Буюк италия олими Г.Галилей томонидан маятник тебраниши билан боғлиқ қонуннинг кашф қилиниши аниқ юрадиган соат яратишда катта аҳамият касб этди.

Ахбар АЛИЕВ тайёрлади.

Тузатиб бўлмайдиган майда хатолардан йирик хиллатларга ўтиш осон.

СЕНЕКА.

Энг катта хато одам ўзини ҳамма нарсада бенуқсон деб ҳисоблашидадир.

Т.КОРЛЕЙЛЬ.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА



Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тиббиёт соҳасида ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда. Шифохоналарнинг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланганлиги боис аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бораётган.

Косон тумани тиббиёт бирлашмаси шифокорлари ҳам тиббий хизматни юксалтириш борасида қатор ишлари амалга оширишмоқда. Айниқса, "Касаллиқни

даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал" нақлига амал қилаётган диагностика бўлими шифокорлари ўз бурчларини шараф билан адо этишяпти. Улар энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида беморларга таъхис қўйиб, самарали даволаш усулларини қўллашмоқда.

Суратда: бўлим бошлиғи Наби Фафуров, ҳамшира Зумрад Очилова ва тахлилчи Шоҳсанам Курбонова. А.МУРОДОВ оingan сурат.

Биласизми?

Халқимизнинг миллий таомни бўлиш паловнинг келиб чиқиш тарихи тўғрисида гаройиб тахмин бор. Унга кўра паловни юнон саркардаси Искандар Зулқарнайнинг ошпазлари ўйлаб топшиганмиш.

ПАЛОВ — "ПАЛОВ" ДЕГАНИ

Тарихчиларнинг ёзишича, Искандар овқат тандашда ўта нозик дидли бўлиб, асосан аччиқ ва қайноқ таомларни хуш кўрган. Шу боис, бир кун саркарданинг ошпазлари унга ёғда қовурилган гуруч, сабзи ва қалампир аралашмасидан иборат ажойиб таом тайёрлаб беришди. Аммо янги овқат хаддан ташқари ўткир бўлиб қичқани учун аччиқини бироз кесиб мақсадда унга узум ва ўрик меvasи ҳам қўшибиди.

Айтганча, "Палов" сўзи юнон тилида "хилма-хил таркиб" деган маънони беради.

БАРЧА ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ
ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ

ОЧИК
АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРAT



барча юридик шахслар учун
қўйидаги шартлар асосида депозит сертификатларини
ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Амал қилиш муддати	Жами сумма (сўмда)	Фоиз ставкаси (йиллик)
6 ой	1 000 000 000 гача	12 %
13 ой	7 000 000 000 гача	13 %
36 ой	1 000 000 000 гача	14 %

Маълумот учун телефонлар:
244-25-81, 244-12-74, 700-55-55.

Манзил:
Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-а уй.

(Газетанинг навбатдаги соли 26 сентябрь, жума кунни чиқади.)

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz

Бош муҳаррир
Холтўра ШАҒОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақам билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибнат
— 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сўёсат» бўлими — 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турсунгул ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир ХЎЖАБЕРДИЕВ,
Исмомил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Мукрарамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЕВОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Таллат МУРОДОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланиши

«Адолат»дан кўчириб босиб факат таҳририят
руҳсати билан амалга оширилиши
т — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи муҳаррир — Муродулло ҒАФУРОВ
Навбатчи — Носир ҲАЙДАРОВ
Саҳифаловчи — Собиржон ТУНҒАТОВ